



# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

44 (365) ● 2015 йил 11 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

**Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенге-сидаги ЎзМТДП фракцияси жорий йилнинг ўтган даврида 74 депутатлик сўровини амалга оширди**

**Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан Сардоба тарихий ёдгорлиги таъмирланади**

**Анджон туманидаги "Оқбой-Асл" фермер хўжалигида ташкил этилган БПТ сайёҳаракати билан "Бўтақара" МФЙ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди**

## Оқсаройда қабул

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 10 ноябрь куни Оқсаройда "ЛУКОЙЛ" нефть компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.*

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон нефть-газ тармоғида қўшма лойиҳаларни амалга оширишда ушбу компания фаол иш юритаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда "ЛУКОЙЛ" Ҳавзак, Шоди, Қўнғирот конлари ва Қандим конлар гуруҳи каби истиқболли газ конларини ўрганиш ва ўзлаштириш, Жануби-ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақасидаги нефть-газ участкаларини ўрганиш бўйича инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда геология-қидирув ишлари доирасида Орол денгизи акваториясининг Ўзбекистон қисмида истиқболли углеводород конлари топилди. Компаниянинг мамлакатимиздаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирган жами инвестициялари ҳажми 5 миллиард доллардан ошди.

"ЛУКОЙЛ" айна пайтда энг илғор технологияларга асосланган Қандим газни қайта ишлаш заводи қурилишига киришди. Бу замонавий завод йилига 8 миллиард куб метр табиий газни чуқур қайта ишлаш қувватига эга бўлади.

Учрашувда В.Алекперов 2018 йилда фойдаланишга топширилган мўлжалланган ушбу лойиҳа Ўзбекистон саноатини янада ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилган 2015-2019 йилларда иқтисодий ёнани янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастури доирасида амалга оширилаётганини таъкидлади. "ЛУКОЙЛ" компанияси Ўзбекистон нефть-газ тармоғидаги инвестициявий лойиҳалар доирасида қабул қилган барча мажбуриятларини тўла ва ўз вақтида бажаришини қайд этди.

Мулоқот чоғида жаҳон ва минтақа углеводород хомашёси бозоридаги бугунги вазият юзасидан фикр алмашилди, узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг асосий истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

ЎЗА



"Сурхон" гуруҳи аъзолари:

— Ҳозирги глобаллашув жараёнида мафкуравий таъсирлар тобора кучайиб бораётир. Бундай мураккаб вазиятда фақат ўз маданиятини, ўзлигини, тарихини унутмаган халқ тараққиёт сари дадил одимлашини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Биз "Миллий тикланиш"ни танладик. Сиз-чи?

### Фракция фаолияти



Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган суратлар

## Миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш

навқирон авлодда Интернет маданияти кўникмасини шакллантириш — бугунги кун талаби

*Интернет — тез ва арзон ахборот олиш, етказиш ҳамда қайта ишлашда беқиёс манба. Ахборот алмашиш кундан-кунга ривожланиб бораётган бугунги кунда дунёнинг исталган нуқтасига хабар жўнатиш учун 3 сония вақт кифоя. Бир пайтлар кабуллару чоплар, кейинчалик почта хизмати амалга оширган бу юмушни бугунги глобаллашув даврида бир тугмани босиб воситасида ҳал этиш мумкин. Бугун дунё бўйлаб ахборот-коммуникация*

*технологиялари соҳасининг кескин ривожланиш тенденцияси кузатилаётгани, дунёнинг энг илғор демократик давлатлари ушбу соҳа тараққиётига алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. "Ахборот асри" деб аталаётган XXI асрда замонавий технологиялар орқали узатилаётган ахборот жамият ривожининг энг муҳим омилларидан бирига айланди.*

> 2-бет.

### Партия ва электорат

## Истеъдодсиз бола бўлмайди

фақат унинг иқтидорини кашф этиш, тўғри йўналтира билиш — асосий вазифамизга айланиши керак

*Анджон машиш хизмат касб-хунар коллежи ўқитувчиси Чароҳсон Турғунованинг шу йил 21 октябрь куни "Миллий тикланиш" газетасида чоп этилган "Сифат — муҳим оми" мавзусидаги мулоҳазасини диққат билан ўқиб чиқдим.*

Дарҳақиқат, мамлакатимизда навқирон авлоднинг пухта билим олиши, касб-хунар эгаллаши, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топиши йўлида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Зеро, келажак эгаларининг билимдон, ишбилармон, ўз касбига меҳрли бўлиши мамлакатимиз истиқболли таъминлашда муҳим ўрин тутади. Бу кўп жиҳатдан таълим даргоҳларидаги ўқитувчилар тахрибаси ва билимига боғлиқ. Бугун ёшларга фақат фанлар бўйича билим беришнинг ўзигина етарли эмас, улар ўзлари ўрганган фан сирларини ҳаётга татбиқ қила олишлари, юртимизда барча соҳада амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этишлари лозим. Қолаверса, бугунги мураккаб ва таҳликали даврда Интернетдаги турли зарарли ахборотлар воситасида ёшларни тўғри йўлдан оздириш, улар онгига таъсир кўрсатиш орқали дунёқараши, фикрлаш тарзини издан чиқаришдек салбий ҳолатларга йўл қўймаслик долзарб аҳамият касб этади.

> 3-бет.

### Ташаббус натижа берди

## Сирдарёда туризмни ривожлантириш

масаласи ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига киритилди

*Юртимиз гўзал табиатга, тарихий шаҳарлар, археологик ёдгорликлар, бой маданий-маънавий ва илмий меросга, юксак сайёҳлик салоҳиятига эга мамлакат ҳисобланади. Шу боис юртимизга қизиқувчилар сафи, ташриф буюраётган сайёҳлар оқими йилдан-йилга кўпайиб бораётир. Ўз навбатида, мамлакатимизда туризм имкониятларини кенгайтириш, иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили сифатида сайёҳлик соҳасини янада ривожлантириш, ҳар бир ҳудуднинг туристик салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.*

Мустақил тараққиёт йилларида соҳа ривожини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда бугунги кунга келиб 550 та сайёҳлик компанияси — туроператорлари фаолият юритмоқда, тарихий объектлар, архитектура ва шаҳарсозлик обидаларининг аксариятини қамраб олган 110 та халқаро сайёҳлик йўналиши бўйича хизмат кўрсатилмоқда. Бу йўналишларнинг 65 таси тарихий-маданий мерос объектлари, 30 таси табиий-рекреацион, 15 таси соғломлаштириш туризми элементларини ўз ичига олган экологик йўналишлардир. Шунингдек, ҳозирги пайтда юртимизда 50 мингдан зиёд ўринга эга бўлган 500 дан ортиқ меҳмонхона, мотель ва кемпинглар сайёҳларга халқаро стандартлар даражасида хизмат кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳудудларининг сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш, ўзининг узоқ тарихи, бой маданияти, ўзига хослиги, гўзал табиати билан ажралиб турувчи вилоятларда туризм соҳасини янада ривожлантириш, унинг имкониятларини кенгайтириш, ташриф буюрувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки туризм ривожини мамлакатимизнинг халқаро микёсдаги имиджини мустаҳкамлаш, иқтисодий юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда Давлат ва маҳаллий бюджетга қўшимча даромад келтириш манбаи ҳисобланади.

> 4-бет.

### Ушбу сонда:

## Давлатимиз байроғи — ифтихоримиз

Давлатимиз рамзлари Ватанимиз суверенитети, халқимизнинг орзу-истаклари, эзгу интилишлари ва порлоқ келажаги тимсолларидир



> 3-бет.

Ижтимоий тармоқ ва ёшлар тафаккури ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолатига бир назар



> 5-бет.

Чехия парламенти депутат ва сенаторлар қасамёд қабул қилади



> 7-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!

Семинар

# Миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш

навқирон авлодда Интернет маданияти кўникмасини шакллантириш — бугунги кун талаби



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган "Ёшларда Интернет маданияти кўникмаларини шакллантиришнинг долзарб вазифалари" мавзусидаги семинарда шу хусусда сўз борди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида ёшларни халқимизга ёт ва ёш авлод оғи учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида уларни миллий тикланиш гоёси, миллий маданият ва қадриятларини эъзозлаш руҳида тарбиялаш, ёшлар камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда Интернет тармоғининг миллий сегментларини ривожлантириш вазифалари алоҳида белгиланган. Партия дастурий вазифаларини тарғиб қилиш, амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ташкил этилган семинар мамлакатимизда миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ёшларда Интернет маданияти кўникмасини шакллантиришга хизмат қилади.

Тадбирни ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди.

— Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ахборот соҳасини янада ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар изчиллик билан олиб борилмоқда, — деди партия раҳбари. — Бу борада ҳуқуқий база яратилиб, қонун ижодкорлиги асосида янада мустақамланмоқда. Соҳа ривожига қаратилган ислохотлар самараси ўлароқ, бугунги кунда Ўзбекистонда ахборот технологиялари ва коммуникация соҳаси жадал ривожланимоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Алоқа тўғрисида", "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Телекоммуникациялар тўғрисида", "Электрон рақамли имзо тўғрисида", "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонунлари қабул қилинди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси доирасида соҳага оид яна бир қатор қонун лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда. Бугунги семинарни ташкил этишдан асосий мақсадимиз ҳам мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида бу борадаги қонунларни замон талаблари асосида янада такомиллаштириш, соҳада учраётган айрим масалаларни ҳал қилишга кўмаклашиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ёшларда Интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, партиянинг сайловолди Платформасида бу борада белгиланган мақсад-вазифаларни амалга оширишни жадаллаштиришдан иборат.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда олиб борилётган кенг қўламли ислохотлар боис замонавий алоқа ва ахборот соҳаси шакллантирилиб, муайян тақомилга эришди. Мазкур соҳанинг жаҳон ахборот маконида жадал интеграциялашуви жараёни марказида Интернет омилли тургани ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда Интернет хизматини кўрсатувчи субъектлар — провайдерлар сони 793 тани, Интернет тезлиги 21,25 Гбит/с, UZ доменидаги сайтлар 20 мингдан ортиқни, давлат ахборот ресурслари 328, давлат ахборот тизимлари 411, давлат интерактив хизмати 1202 тани ташкил этмоқда. Интернетдан фойдаланувчилар 12 миллиондан орти. "ZiyouNET" ёшлар ахборот порталида ресурслар сони 67 минг 300 ни ташкил этмоқда. Буларнинг барчаси миллий ахборот макони жадал ривожланаётгани, улар глобал ахборот маконида фуқаролар, айниқса, ёшларнинг ажиб бўлиб хизмат қиладиганини яққол намоён этади.


Бугунги глобаллашуви даврида Интернет фойдаланувчилари кўлами кенгайиб, айниқса, глобал тармоқда ёшлар иштироки ортиб бормоқда. Шу боис Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ёшларда Интернет маданияти кўникмасини шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Чунки Интернет тармоғининг глобал ва трансгеографиклиги, унинг ҳамма учун очиклиги боис, салбий ва бузғунчи кучлар ўзларининг гаразли ниятлари йўлида ахборот эркинлигини суийестега қилиб, глобал тармоқ орқали носогол мазмундаги ахборотларни тарқатишга уринаётгани сир эмас. Ана шундай вазиятнинг ҳисобга олган ҳолда, халқимиз, айниқса, ёшларни

римизни бундай таҳдидлардан асраш, ҳозирги ўта мураккаб бир замонда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида ҳолис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир.

Шундан келиб чиққан ҳолда семинарда ёшларни "оммавий маданият" никоби остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гоёларини тарқатиш, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик аънава ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига белпандлик, уларни кўпорлига қаратилган хатарли таҳдидлардан огоҳлантириш ва уларга қарши ёш авлоднинг мақуравий иммунитетини мустақамлаш юзасидан бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилди.

Семинарда ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ айрим ҳолатлар танқид қилинди. Интернет ресурслари орқали ота-болаларимизнинг оғу тафаккурида асрлар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, ғурур ва андиша, ибод ва ҳаё каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчаларни кенг тарғиб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Албатта, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туоладиган қичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашуви шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган,



мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш даркор. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, "қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг оғир ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча, қаерда ҳушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият кудратли кучга айланади".

Семинарда шу каби масалалар атрофича муҳокама қилинар экан, партиянинг депутатлик бирлашмалари, худудий ва бошланғич партия ташкилотлари томонидан "оммавий маданият"нинг салбий таъсирига қарши курашиш, ёшларда Интернетдан фойдаланиш маданиятини кучайтириш, жаҳонда тобора кучайиб бораётган мақуравий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқаришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Семинарда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Тўхтабоевнинг "Интернет маданиятининг ҳуқуқий ва ташкилий механизмларини такомиллаштириш", Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази бўлим бошлиғи Лазиз Бўроновнинг "Интернет маданиятини ривожлантириш масалалари", марказ бош мутахассиси Темур Ботировнинг "Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари" мавзусидаги маърузалари тинланди.

Семинар якунида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси янги веб-сайтнинг тақдими бўлиб ўтди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи Дониёр Тошбоев тақдирот маросимида партиянинг янги веб-сайти замон талаблари асосида такомиллаштирилганини таъкидлади. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида партиянинг худудий ташкилотлари ўртасида ахборот алмашишининг ягона тизимига ўтилди. Шунингдек, веб-сайтдаги "Депутатга савол бериш" рўқни янада такомиллаштирилиб, депутат билан он-лайн мулоқот ўрнатилиш имконияти яратилди. Фотогалерея ҳамда видеогалереянинг техник имкониятлари кенгайиб, замонавий дастурлар билан бойитилди. "Худудий партия ташкилотлари", "Хориз парламентлари", "Ўзбек халқ оғзаки ижодиёти", "Музейлар", "Тарихий обидалар", "Буюк аллома ва мутафаккирларимиз", "Миллий халқ ўйинлари", "Миллий таомлар" каби янги рўқлар партия хайрихоҳларини партия дастурий мақсад-вазифалари билан янада кенгрок таништириш, янги маълумотлар билан таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Қизғин баҳс-мунозақаларга бой тарзда ўтган семинарда иштирокчилар ва ёшларни қизиқтирган барча саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб берилди.

Шоҳида ДАМАНОВА,  
"Milliy tiklanish" мухбири

Фаолият

# Фаоллик ва ташаббускорлик

саъй-ҳаракатларимизнинг бош мезонига айланиши лозим

*Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишлари ижросини таъминлашда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, демократик ислохотларни изчил амалга оширишда уларнинг иштирокини кенгайтириш борасида қилинаётган ишлар ўз самараларини бераётир. Бугун электорат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, аҳолини ўйлантираётган айрим масалаларни ҳал этиш каби вазифалар сиёсий партиялар фаолиятининг бош мезонига айланган.*

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни рўйба рўй чикариш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш, электорати ва ижтимоий қатлами манфаатларини изчил ҳимоя қилиш, маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда иш олиб боришга интилиб келаётир. Бу жараёнда ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда.

Партияимиз гоёларини кенг аҳоли қатламига тарғиб-ташвиқ қилиш, унинг мазмун-моҳиятини тушунтириш фаолиятимизни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Буни партияимиз аъзолари сафининг кенгаётганда ҳам кузатиш мумкин. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 15 мингга яқин ЎзМТДП аъзолари бор. Бу ўтган йилга нисбатан 500 нафарга кўп. ЎзМТДП гоёларининг аҳоли орасида кенг тарғиб қилинганлиги ўтган йилги парламент ҳамда маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловларда ҳам яққол намоён бўлди. Айни кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 3, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесида 18, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларида эса 80 нафар ЎзМТДПдан сайланган депутат фаолият кўрсатмоқда. Улар электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, коллеж битирувчилари ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим тизимларида олиб борилаётган ислохотларда фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг шу даврига қадар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесидаги партия фракцияси аъзолари 74, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари 81 депутатлик сўровини амалга оширган фикримизни яққол исботлайди. Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига 11 ташаббус-масала киритиб, шундан 7 масала юзасидан қарор қабул қилинишига эришилди. ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашида партия аъзолари, ижтимоий қатлами ва хайрихоҳларимиздан келиб тушаётган муносабатларга жиддий эътибор қаратилаётгани партия гуруҳининг янада фаолашишига замин яратмоқда. Бу эса аҳолининг партияимизга бўлган ишончи тобора ортиб боришига сабаб бўлаётир.

Таъкидлаш жоиз, ҳаётимизнинг барча жабҳасидаги ижобий ўзгаришлар келажагимиз эгалари ҳисобланган ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънан етук бўлиб вояга етишида муҳим аҳамиятга эга. Бу ёшлар масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шарт-шароит ва имкониятлар яратиш каби долзарб вазифалар олий мақсадимизга айланганда долалат беради. Ана шу масъуляти вазифага муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг кундалик вазифамизга айланмоғи даркор. Бу борада партия "Ёшлар қаноти" туман, шаҳар ва республика миқёсида ўтказаятган "Юртим

тарихини ўрганаман" шиори остида "Тарихдан садо берувчи обод гўшалар" мавзусидаги ёшлар акцияси, "Юрт тинчилиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик" шиорлари остида ёшлар форуми ва "Биз ёшлар" оммавий маданият ва мақуравий таҳдидларга қаршимиз!" каби тадбирлари ана шундай эзгу мақсад-вазифаларимиз ижросига хизмат қиладиган. "Мустақиллик ҳаётимиз маъно-мазмуни, миллий манфаатларимиз асоси ва фаровон турмуш гарови", "Кексаларни эъзозлаш — давлат сиёсатининг устувор йўналиши" каби сиёсий-маърифий тадбирлар аҳолини Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги умум-миллий гоёси атрофида бирлаштиришга кўмаклашмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини, яъни кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат куриш каби эзгу мақсадларимизни хотин-қизлар иштирокисиз тасаввур эта олмаймиз. Партияимиз "Аёллар қаноти" ўтказаятган "Фаол аёллар — жамият таянчи" форуми, "Алла", "Миллий ўйинчоқлар" фестиваллари, "Донлик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови хотин-қизлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила ва жамиятдаги муваққил мустақамлашга хизмат қилмоқда, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишга ундаётир.

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши қошида ташкил этилган 610 кўйи бугун партия дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни рўйба рўй чикаришда халқ қилувчи кучга айланишга интиломоқда.

Ота-боболаримиздан мерос миллий ҳунармандчилигимизни асраб-авайлаш ва уни ривожлантириш партияимизнинг устувор вазифаларидан. ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳам мазкур мақсад-вазифа рўйба рўй муносиб ҳисса қўйишга интилаётир. Жумладан, эзгу йиллардан бунён "Хунарманд" уюшмаси билан ҳамкорликда иш олиб бораётир. "Банк кредитлари — хунармандларга" лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистонда хунарманд ва оилавий тадбиркорларга ўз бизнесини ривожлантириш мақсадида жами 257,5 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Шу билан бирга, барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатларимиз тикувчилик, каштадўзлик, қуроқчилик, қоллоқчилик сингари хунарманд ривожлантиришга, бу борада мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш, соҳани ривожлантиришга хизмат қиладиган илгор гоёларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда. Мақсадимиз партияимиз дастурида кўрсатилган гоёларни халқимиз, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш ва электорат ишончини қозонишдир.

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши келгусида партия гоёлари тарғиботида бағишланган ишларни янада жадаллаштириш, тадбирлар таъсирчанлигини ошириш ва уларда инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш, партия гуруҳлари билан ҳамкорликни янада кучайтиришни мақсад қилган. Шунингдек, кўйи бугунги фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш ҳам асосий вазифаларимиздан. Худудлардаги айрим масалаларни ҳал этишда бошланғич партия ташкилотлари кўмағига таяниш тажрибада ўз самарасини кўрсатмоқда. Бу кўйи бугунларнинг аҳолига янада яқинлашишига, партияимиз гоёларининг чекка худудларга кириб боришига, халқимизнинг ЎзМТДПга бўлган ишончи янада мустақамланишига хизмат қиладиган. Бу ишонч партияимиз тарафдорлари сафини янада кенгайтириб, келгуси сайловлардаги муваффақиятимизни таъминлаши шубҳасиз.

Тоҳибай РОМАНОВ,

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси

Партия лойиҳаси

# Тарихни пухта ўрганиш

ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади

*Навқирон авлодда Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, тарихимиздан фахрлини, ота-боболаримиз маънавий жасоратидан гурурланиш туйғусини юксалтириш миллий тараққиётимиз саровидир. Зотан, ўзлигини англаган, тарихини яхши билган халқ буюк ишларга қодир.*

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси халқимизнинг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, истиқлол йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар мазмун-моҳияти, эришган ютуқ ва марраларимизнинг асосий омилларини аҳолига кенг тушунтириш мақсадида қатор тадбирлар ташкил этаётир. ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган "Тарих — улуг мураббий" мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир ҳам ана шундай мақсадлар рўйба рўй қаратилди. Унда Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Халқаро Амир Темур жамоат фонди вакиллари, тарихчилар, талаба-ёшлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

— Тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга кўмаклашиш, Ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ аънаваларига чуқур эҳтиром уйғотиш партияимиз сайловолди Дастуридаги устувор вазифалардан, — деди тадбирда ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров.

— Ана шу мақсад-вазифалар рўйба рўй халқимизни, айниқса, ёшларни янги марралар сари руҳлантириши, ўзига бўлган ишончини янада мустақамлаши шубҳасиз. Бундан ташқари, халқимизнинг бой маданий меросини ҳаққоний ўрганиш ёшларимизга буюк аждодларнинг ворис эканини эслатиб туради.

Тарихни ўрганиш, миллий ўзлиқни англаш масаласи мамлакат ривожига муҳим ўрин тутди. Айниқса, бугунги глобаллашуви, бутун дунёда гоёвий ва мақуравий курашлар кечаётган бир пайтда бунинг

аҳамияти беқиёс. Партияимизнинг "Тарих — улуг мураббий" лойиҳаси ҳам ёшларимизни ана шундай мақуравий-гоёвий бўҳронлардан асраш, ўтган кунлардан сабоқ чиқариш ва бугунги дорилоним кунларга шуқроно келтириб яшашга ундашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Тадбирда таъкидланганидек, миллий қадриятларимиз аънава ва урф-одатларимиз истиқлол шарофати билан қайта тикланди. Жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган ота-боболаримизнинг илмий, моддий ва номоддий мероси халқимизнинг маънавий мулкига айланди. Ана шундай бой меросни янада чуқурроқ ўрганиш, буюк аждодларимизга муносиб авлодларни вояга етказиш вазифаси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Мамлакатимизда қад рўстлаётган маънавият ва маърифат марказлари, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ана шундай мақсадлар рўйба рўй хизмат қиладиган. Бундай таълим муассасаларида тарбия топаётган ўғил-қизлар ҳам, ўз навбатида, яратилган шароитлардан оқилона фойдаланиб, ўзларига билдирилган ишончини оқламоқда. Мамлакатимиздан етишиб чиқаётган илм-фан, таълим, маданият, спорт соҳаларидаги истиқлол эгалари юртимиз довуруғини дунёга танитмоқда. Истиқлол бизга ана шундай ўзига ишончи юқори, юксак интеллектуал салоҳиятга эга, билимли, дунёдаги тенгқурлари билан бемалол беллаша оладиган фарзандларни тарбиялашга имкон бергани учун ҳам қадридлир.

Тадбирда ўтган 24 йил давомида маънавий меросимиз, миллий ўзлигимизни англаш йўлида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам атрофича тўхталиб ўтилди. Бу борадаги саъй-ҳаракатларни бундан кейин ҳам давом эттириш ёшлар тарбиясида гоёт муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси шонли тарихимизни ҳаққоний ўрганиш, истиқлол йилларида эришган ютуқ ва марраларимиз мазмун-моҳиятини чуқурроқ англашга қаратилган бир қанча лойиҳаларни амалга оширмоқда. "Юртим тарихини ўрганаман", "Озод юртининг обод гўшаси", "Ёшлар ва туризм", "Ватан келажаги — сенинг қўлингда" каби тадбирлар ана шулар жумласидандир. Мазкур тадбирлар ана Ватанимиз тари-

хини ўрганиш, ота-боболаримизнинг меросини кенг тарғиб қилиш, халқимиз яқин ўтмишда бошидан ўтказган оғир, синовли кунлар, адолатсизлик оқибатларини ёшларга тушунтириш ҳамда мустақилликнинг қадрига етишга йўналтирилган. Бундан ташқари, мазкур тадбирлар ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган баркамол авлодни тарбиялаш, уларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, Ватанимиз тарихини ҳаққоний ўрганиш каби мақсад-вазифалар рўйба рўй ҳам муҳим омил саналади. Зотан, партия Ўзбекистон тарихининг кенг миқёсда ўрганиши таъминлаш, бу борада тарихийлик ва холислик тамойилларига қатъий амал қилиш, тарихий ўтмишга ва ўзбек халқининг ҳозирги кундаги ҳаётига баҳо беришда буюкқўламли ёндашувларга, ноҳолликка йўл қўймастик, Ўзбекистон тарихини бузиш, сохталаштириш талқин этишга нисбатан қарши кураш олиб бориш, халқаро жамоатчилик диққат-эътиборига Ўзбекистоннинг тарихий ўтмишига доир ҳаққоний ҳақиқатларни етқизиш тарафдорлиги. Партия нуктаи назарича, ўз тарихи билан фахрланмайдиган халқнинг истиқлоли йўқ. ЎзМТДП сайловолди Дастуридаги мақсад-вазифалар партиянинг бу борадаги ишлари кўламини янада кенгайтирмоқда.

Дурдона ТЕШАБОВА,  
ЎзМТДП Урта Чирчик туман кенгаши етакчи мутахассиси:

— Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш партияимиз дастурий мақсадларидан. Бугунги тадбир ҳам ёшлар учун истиқлолга бўлган даврни яна бир бор тасаввур қилишга, халқимиз бошидан ўтказган оғир, синовли кунларни ҳис этиб, бугунги кунларнинг қадрига етишга, яқин ўтмишимиз билан ҳозирги фаровон ҳаётимизни таққослашга имкон берди. Партияимиз ташкил этаётган бундай маънавий-маърифий тадбирлар миллий ўзлиқни англаш, ватандошларимизда миллий ғурур ва кадр-қиммат туйғуларини мустақамлашга хизмат қилмоқда. "Биз киммиз? Аждодларимиз ким эди? Миллатимиз қандай фазилатларга таяниб, юксак марраларга эришди ва оламшумул шуҳрат қозонди?" деган саволларга жавоб излашга ундаётир. Бу ёшларнинг Ватанимиз тарихини пухта ўрганиши учун замин яратиш, уларга кимларнинг авлоди эканини тушунтириш, бой тарихий меросимизни онгига синдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳасан САЛОМОВ,  
"Milliy tiklanish" мухбири



Ташаббус натижа берди

## Сирдарёда туризмни ривожлантириш

масаласи ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига киритилди

«Давоми. Бошланиши 1-бетда»



- ✓ **Ўзбекистонда 550 та сайёҳлик компанияси — туроператорлари фаолият юритмоқда**
- ✓ **Сардоба тарихий ёдгорлигини реконструкция қилиш ишлари келгуси йилги ҳудудни ривожлантириш маҳаллий дастуридан ўрин олди**
- ✓ **Шифобахш «Сайхун» минерал булоғи атрофини ободонлаштириш ва даволашни маскани барпо этиш масаласи сессия қарорига киритилди**

тартибига киритишга қарор қилдик.

ЎзМТДП гуруҳининг ташаббус-масаласи асосида қабул қилинган сессия қарори бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш, янги поғонага олиб чиқишга замин бўлади. Жумладан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси қарорига кўра, тегишли мансабдор шахслар, мутасаддилар зиммасига вилоятда туризмни янада ривожлантиришга қаратилган муайян чоратadbирларни амалга ошириш вазифалари юклатилди. Вилоят ҳокими ўринбосарига тегишли ташкилотлар билан биргаликда Сардоба туманидаги Ёғочли Сардоба тарихий обидасини асл қиёфаси ва солобати тини йўқотмаган ҳолда реконструкция қилиш, Сардоба туристик бекатини ташкил этиш бўйича чора-таadbирларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Сирдарё, Сайхунбод туман ҳокимлари зиммасига вилоятнинг рекреацион ресурслари ва туристик хариталарини тузиш, уларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этиб, туристик компаниялар ва кенг жамоатчиликка тақдим этиш, Сирдарё бўйидаги «Қолгансир» ўрмон хўжалиги тасарруфидаги орол, тўқайзор ўрмонда экотуристик марказ ташкил этиш, экотуристик маршрутлар режасини ишлаб чиқиш ва харитасини тузиш, Сайхунбод тумани Робот қишлоғи ҳудудидagi кўл атрофида дам олиш масканларини ташкил этиш, шифобахш «Сайхун» минерал булоғи атрофини ободонлаштириш ва даволашни маскани барпо этиш бўйича таadbиркорларни жалб этиш вазифалари топширилди. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасига хориҳлик сайёҳлар учун миллий анъана ва урф-одатларимизни тарғиб қилувчи фольклор ансамбллари ижросида дастурлар ишлаб чиқиш, Ховос туман ҳокимлиги билан биргаликда Ховос туман музейини ташкил этиш вазифалари юклатилди. Шунингдек, қарорда қатор мутасадди идоралар томонидан тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, «Ипак йўлидаги туризм» Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида вилоят сайёҳлик салоҳиятини акс эттирувчи стенд ва экспонатлар билан иштирок этиш масалалари ўз ифодасини топди. Туризмни ривожлантириш, юртимизнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий, маданий масканлари ҳақидаги маълумотларни сайёҳларга етказишда кадрлар масаласи долзарб аҳамият касб этади. Шу боис сессия қароридa соҳада малакали кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Бу борада ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда Гулистон давлат университети зиммасига «Ўзбектуризм» миллий компанияси вилоят ваколатли вакили билан биргаликда ҳудуд тарихи, маданиятига оид бўлиб ишлар ва кўнишга оид, хориҳий тилларни пухта эгаллаган гид-экскурсоводлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш мақсадида сайёҳлик фирмалари билан тажриба алмашишни йўлга қўйиш вазифалари юклатилди.

Таъкидлаш жоиз, партия гуруҳи аъзолари ўтган қисқа вақт мобайнида сессия қарори ижросини таъминлашга, бу борадаги ишлар назоратига алоҳида эътибор қаратаётир. Қарор ижросини таъминлаш борадаги сайёҳ-ҳаракатлар натижасида Сардоба тарихий ёдгорлигини реконструкция қилиш ишлари келгуси йил ҳудудни ривожлантириш маҳаллий дастурига киритилди. «Ўзбектуризм» миллий компанияси вилоят бўлими томонидан ушбу тарихий обида ҳақидаги маълумотларни ўз

### Солиҳон ҚУДРАТОВ, халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси:

— Мамлакатимиз сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга. Юртимизда туризм сановатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Диримизнинг фусункор табияти, бой тарихи ва маданияти, бетакрор қадрият аънаналари ҳамда муқаддас қадимжолари, ноёб мейморий обидалари ва серфаёз гўшалари сайёҳларни тобора ўзига ром этмоқда. Зеро, туризм мамлакатининг халқаро имиджини яратди ва унинг обрўсини оширди. Шунингдек, халқлар ўртасида савдо муносабатларини ўрнатди, дам олиш ва саёҳат билан бир қаторда, дунё халқларининг тарихи, маданияти, урф-одат ва аънаналарини ўрганиш, билиш ва бунинг натижасида одамлар, элу элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик фазилатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўзбекистон бой тарихи ва ноҳир маданий-тарихий меросга эга. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда улкан салоҳияти ҳозирча тўлиқ ишга солинмаган туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш имконини беради. Туризм ЎзМТДП сайловолди Платформасида эътироф этилганидек, халқимизнинг ноёб маънавий бойлиги ва тарихий меросини тарғиб этиш, бу бойлиқнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан умумбашарият тарихий меросини ажралмас бир қисми сифатида тан олинishi йўлида самарали хизмат қилади. Шу билан бирга, фуқароларни, айниқса, ёш авлодни миллий гуруҳ ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда туризм муҳим ўринга эга. ЎзМТДП сайловолди Платформасида туризм маърифат ва фуқаролик жамиятининг маънавий асосларини шакллантиришда кучли восита бўлиб хизмат қилиши таъкидланган. Туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш партиянинг маънавий ва иқтисодий соҳадаги вазифалари сирасига киритилган. Партия гуруҳимизнинг ушбу дастурий мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда олиб бораётган сайёҳ-ҳаракатлари вилоятимиз қиёфасини янгилашга, унинг сайёҳлик салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Келгусида бу борадаги фаолиятимизни янада жонлантириш, сессия қарори ижросини изчил назорат қилишни режалаштирганмиз.

Мухтарама КОМИЛОВА,  
«Milliy tiklanish» мухбири

Депутат минбари

## Жиноий жазога оид қонунчиликни либераллаштириш

изчил давом этмоқда

**Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини, жиноят қонунчилигини босқичма-босқич либераллаштиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Бунда миллий давлатчилигимизнинг тарихий тажрибаси ва миллий қадриятларимиз, аънаналаримиз, шу билан бирга, хорижий мамлакатларнинг илғор амалиёти ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари инобатга олинаётгани эътиборлидир. Бу эса мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими халқаро ҳуқуқий тамойилларга ҳамоханг равишда ривожланаётганини намойён этади.**

Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, юртимизда ўлим жазоси бекор қилинди, «Хабеас корпус» институти, ярашиш муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти жорий этилди, жиноий жазолар либераллаштирилди. Эътироф этиш жоизки, бу борадаги сайёҳ-ҳаракатлар замирида, энг аввало, инсонпарварлик, жамиятда инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси устувор эканлиги муҳасамма. Бу йўналишдаги қонунчиликка киритилган энг охириги муҳим ўзгартришлардан бири — иш ҳолати ва шахсининг ижобий тавсифланиши, ёши, оилавий аҳоли ҳамда бошқа сабабларга кўра қамоққа олиш мақсадаги номувофиқ деб топилган тақдирда қўлланиладиган уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасидир. Мазкур чора тергов давомида айбланувчини ёпиқ муассасада, жамиятдан ажратмаган ҳолда сақлаш, гайриқонуний ҳаракатларининг олдини олиш, энг муҳими, уларни қамоқда сақлаш жойларидаги жиноий элементларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишга муҳим аҳамият касб этади.

2015 йил 10 август кўни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят кодексидa белгиланган жазо тизимига «озодликни чеклаш» жазоси киритилди. Бу дастлабки тергов босқичида қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган, шу жумладан, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўриладиган, судланган шахсларга қўлланган жазонинг мувофиқлигини таъминлашнинг самарали жиноий-ҳуқуқий механизми ҳисобланади. Мазкур қонун қабул қилиш жараёнидаги таҳлиллар шунни кўрсатдики, жамиятдан батамом ажратмаган ҳолда аҳолининг тузатиш мумкин бўлган шахслар (ёшлар, аёллар, қариялар, ижобий тавсифланган шахслар ва ҳоказо)га нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазоларни тайинлашда айрим муаммолар мавжуд эди. Мазкур тоифадаги шахсларнинг моддий ва оилавий аҳоли, ёши ёки соғлиғи уларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд жарима тариқасидаги жазоларнинг тайинланиши ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ бўлмайдди. Озодликни чеклаш, уни маҳқумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишини ҳусусиятидан келиб чиқиб, шунингдек, суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади. Аҳамиятлиси, миллий қонунчиликка киритилган бу янгилликлар жазонинг одиллиги ҳамда жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини янада тўлиқ рўёбга қарарлига, айбдор шахсларни жамиятдан кескин ажратмаган ҳолда улар-

нинг қаттиқ пушаймон бўлиши ва тузалиши, оилавий алоқаларнинг сақлаб қолиниши ва маҳқумларнинг муваффақиятли ижтимоий мослашувига зарур шарт-шароит яратишга, моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплашга хизмат қилади.

Жиноий қонунчиликни либераллаштириш борада сўз кетганда, истиқлол йилларида ҳусусий таadbиркорлик субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этишга қаратилган ислохотлар борада алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Хусусан, жорий йил 15 майда давлатимиз раҳбари қабул қилган «Ҳусусий мулк, кичик бизнес ва ҳусусий таadbиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсқинликни бартараф этиш чора-таadbирлари тўғрисида»ги фармонида асосий йўналиш сифатида таadbиркорлик фаолиятини тартибга солидан маъмурий ва жиноий қонунчиликни либераллаштириш жараёнини изчил давом эттириш лозимлиги қайд этилди. Мазкур қарор асосида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳусусий мулкни, таadbиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсқинликни бартараф этишга қаратилган ўзгартриш ва қўшимчалар киритилди. Масалан, Жиноят кодексининг 184-моддасига киритилган қўшимчага кўра, биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижасида бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини олган кундан эътиборан 30 кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилиниши белгиланди. Шунингдек, муқаддам сохта банкротлик ва банкротликни яшириш жиноятлари учун етказилган моддий зарар уч қарра миқдоридa қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланди. Бир сўз билан айтганда, мазкур қонунга мувофиқ, энди етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ўзбек халқининг моддий анъана ва урф-одатларини ўзида акс эттирган, унга хос бўлган мурувват, кеңиримиллик, инсонпарварлик ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатларни суд амалиётига жорий этиш тарафдори. Хусусан, ЎзМТДП сайловолди Платформасида жиноий қонунчиликни янада либераллаштириш, инсонпарварлаштириш, айрим жиноятларни диққиматлилаштириш сибсатини давом эттириш, халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган жиноят ҳуқуқининг замонавий институтларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш каби долзарб мақсад-вазифалар белгиланган. Улар ижросини таъминлаш партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси зиммасига катта масъулият юклайди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг қаровли ислохотлар том маънода инсон ҳуқуқи, қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шерзод ТЎХТАШЕВ,  
Даврон ОРИПОВ,  
ЎзМТДП фракцияси аъзолари

Кенгаш йиғилиши

## Депутатлик гуруҳлари фаолияти

самарадорлигини ошириш — долзарб вазифа

ЎзМТДП ташкилотлари ҳамда партия гуруҳлари ўртасидаги мустаҳкам алоқа дастурий мақсад-вазифаларни амалга ошириш, ҳудудларни ривожлантириш, аҳоли, партия электорати вакилларини ўйлантираётган масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдаги йиғилиши ҳам ана шу масалага бағишланди. Унда халқ депутатлари Самарқанд вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Субҳон Аббосов мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш борада олиб бораётган ислохотлар, бунинг натижасида сиёсий партияларнинг ўрни ва нуфузи тобора ортиб бораётганини таъкидлади. Бу жараёнда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳам муносиб иштирок этиши, партия дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли ва электорат вакиллари манфаатларини ҳимоялашда партия ташкилотлари билан узвий ҳамкорликда иш олиб бориш лозимлигини қайд этиб, бир қатор долзарб масалаларни ўртага ташлади.

— Бугунги йиғилишда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳларининг партия сайловолди Платформасида белгиланган эл-юрт, аҳоли ва электорат манфаатларини таъминлашга қаратилган мақсад-вазифаларни амалга ошириш борадаги фаолияти атрофича таҳлил қилиниб, уларнинг иш самарадорлигини кучайтириш борада аниқ чора-таadbирлар белгилаб олинди, — дейди халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Баҳодир Шарофов. — Шу йилнинг 9 ойи давомида партия гуруҳимиз ҳудуд-

даги ташкилот ва муассасалар жами 80 дан зиёд депутатлик сўрови киритиб, уларнинг аксариятини ижобий ҳал этишга эришди. 20 нафарга яқин мансабдор шахс ҳисоботи зшитишу ташкил қилиниб, бунинг натижасида вилоятимиздаги ўнлаб маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини яхшилаш, касб-хунар коллежларида ўқувчилар даволатини ошириш, болаларни боғчага қамраб олиш борадаги бир қатор амалий сайёҳ-ҳаракатлар олиб борилди. Бугунги йиғилишда партия гуруҳлари олдидаги долзарб масалалар аниқ таҳлил этилгани эса фаолиятимизни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоиз, партия сайловолди Платформасида мавжуд маданий ёдгорликлар, юртимиз шахрларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-таadbирларни амалга оширишга кўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шу боис, халқ депутатлари Самарқанд вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари вилоятдаги осори-атикаларни асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш борада маҳаллий Кенгаш сессияларида ташаббус-масалалар киритишда фаоллик кўрсатиб келмоқда. ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдаги йиғилишида бу борадаги сайёҳ-ҳаракатларга ҳамоханг равишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига «Вилоятда туризмни ривожлантириш истиқболлари ва сервис хизматларини такомиллаштириш тўғрисида» масала киритиш борадаги ташаббус ҳам бир овоздан маъқулланди. Ушбу масалани ўрганиш юзасидан ЎзМТДП фаолларидан иборат ишчи гуруҳ тузилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгашининг қарори қабул қилинди.

Ориф ХОЛИҚОВ,  
«Milliy tiklanish» мухбири

Таълим

Ўқитувчининг кўп қиррали, сермазмун, мураккаб фаолияти замирида ёш авлодни баркамол шахс сифатида тарбиялаш, уларга илм-фан сирларини пухта ўратиб каби муҳим вазифалар ётади.

Шу сабаб ҳам халқимиз ҳаммаша илм-маърифат тарғиботчиси бўлган устозларни эъзозлаб, уларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келади. Бу фазилат мустақилликка эришганимиздан кейин янада юксалиб, янгича маъно-мазмун касб этди. Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом инсонлар бўлиб вояга етиши, таълим-тарбия олиши, касбунара эгаллаштини таъминлаш жараёнида ўқитувчиларнинг меҳнатини қадрлаш ва уларни муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олий тоифали муаллима бошланғич синф ўқитувчиси сифатида мактаб оstonасига илк қадам қўйган ёшларни миллий тилимизда ўқиш ва ёзишга ўргатиши, ўз фикрини она тилимизда эркин ва равоён ифода қилишини асосий вазифаси, деб билди. Боланинг бошқа фанларни ҳам пухта ўзлаштириши

масъулиятни оширмоқда. Жамила Жўраева ўқитувчилар сулоласи вакили. У ўқитувчилик касбининг сир-асрорини онаси, устози Инобат Эшонкуловадан ўрганди. Опа-укалари ҳам тажрибали устоз сифатида халққа танилган. "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси Жамила Жўраева бола қалбини яхши тушунади. Шу митти қалб дунёсига энг улуг фазилатларни, хулқ-одобни, одамийликни, меҳр-муруватни ҳамда яхшиликни сингирдиб, ҳалол меҳнат билан орзу ва мақсадга етишиш мумкинлигига ишонч уйғота олади. Бу йил опа учун янада қутлуғ келди — ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан давлатимиз раҳбарининг фармони қўра "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвони билан тақдирланди. Кўп йиллик самарали меҳнатига берилган

Касбидан эъзоз топди

У ҳам касбига фидоилиги ва жонкуярлиги тўғрисида Президентимизнинг фармонида мувофиқ "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланди. "Йилнинг энг яхши муаллими" — 2010" республика кўрик-танловининг "Энг илгор ўқитувчи" номинацияси соҳиб бўлди.

унинг ўз она тилини нечоғли яхши билишида, деб ҳисоблайди. Бунда эса бошланғич синф ўқитувчисининг тилини ўргатишдаги масъулияти ниҳоятда катта.

бу юксак эътироф устозни баркамол авлод тарбиясидаги фаолияти самарадорлигини янада оширишга ундамоқда. — Ўқитувчиликнинг меҳнат шогирдлари билими, уларнинг келгусида баркамол инсон бўлиб улғайиши билан ўлчанади, — дейди унинг ҳамкасби Шахло Шукурова. — Жамила опа синга-ри ўқитувчиларнинг жонкуярлиги, изланувчанлиги, ёш авлодга билим ва тарбия бериш жараёнида катта масъулият, ҳалоллик билан ёндашуви педагогик жамоа ишини тўғри йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

У талабалик хотирасидан ўчмас санани бот-бот эслайди. — "Ўзбекистонда "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинган 1989 йили Жиззах давлат педагогика институтининг иккинчи курс талабаси эдим, — дейди Жамила Жўраева. — Талабаларга хос қизиқувчанлик тўғрисида ушбу даврда ушбу қонун қабул қилиниши атрофидаги баҳс-мунозараларни диққат билан кузатган бўлсам-да, кўпчилигимиз унинг моҳиятини, ҳаёти-мизда беқийёс аҳамиятига эга эканини у қадар англамаганмиз. Фақатгина республикамиз раҳбарининг қатъияти, жасорати билан қабул қилинган мазкур қонуннинг аҳамиятини институтни битириб, мактабда иш бошлаётганда англадик. Ўтган даврда ўзбек тилини нафақат расмий давлат тили, балки миллий ўзлигимизнинг муҳим ифода воситаси сифатида янада бойи-

ташнинг қилиниши атрофидаги баҳс-мунозараларни диққат билан кузатган бўлсам-да, кўпчилигимиз унинг моҳиятини, ҳаёти-мизда беқийёс аҳамиятига эга эканини у қадар англамаганмиз. Фақатгина республикамиз раҳбарининг қатъияти, жасорати билан қабул қилинган мазкур қонуннинг аҳамиятини институтни битириб, мактабда иш бошлаётганда англадик. Ўтган даврда ўзбек тилини нафақат расмий давлат тили, балки миллий ўзлигимизнинг муҳим ифода воситаси сифатида янада бойи-


бу юксак эътироф устозни баркамол авлод тарбиясидаги фаолияти самарадорлигини янада оширишга ундамоқда. — Ўқитувчиликнинг меҳнат шогирдлари билими, уларнинг келгусида баркамол инсон бўлиб улғайиши билан ўлчанади, — дейди унинг ҳамкасби Шахло Шукурова. — Жамила опа синга-ри ўқитувчиларнинг жонкуярлиги, изланувчанлиги, ёш авлодга билим ва тарбия бериш жараёнида катта масъулият, ҳалоллик билан ёндашуви педагогик жамоа ишини тўғри йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган 2014-2015 ўқув йилида у дарс берган 1-11"А" синфидаги 30 нафар ўқувчининг барчаси фанларни яхши ўзлаштирди. Дилором Келдиёрова ва Мухаммад Шухратов шаҳар ва вилоят миқёсда ўқувчилар ўртасида ўтказилган "Билимлар беллашув"да фахрли ўринларни эгалладилар.

Абдулла САИДОВ, журналист

Миллий гуруҳ

"Ўзбекистонлик ёшларга дунё ҳавас қилмоқда"

дейди қуёш энергиясидан электр энергиясини ҳосил қилиш устида илмий иш олиб бораётган Шамсиддинхўжа СУЛАЙМОНОВ



Бугун илм-фан, интеллектуал салоҳият — тараққиёт мезони, ҳаётимиз ва жамиятнинг ҳал қилувчи омилдир. Ўзбекистон фарзандлари ўзининг ноёб истеъдоди, юксак билими ва салоҳияти билан дунё аҳлида ҳавас уйғотаётгани барчамизни қувонтиради. Мамлакатимизда жаҳон илм-фани, ишлаб чиқариш, маданият, санъат ва спорт оламига дадил кириб бораётган, ўз ўрни, мустақил фикри, ўз овозига эга баркамол авлоднинг тарбия топайётгани эртанги кунимиз чиндан ҳам порлоқ ва буюк эканига умид ва ишонч бағишлайди. Шамсиддинхўжа Сулаймоновнинг олиб бораётган илмий излаишлари бунга ёрқин мисолдир.

Булари бўлган бўлса не ажаб. Бу қизиқишларим мени Тошкент давлат техника университетида етаклади. Айни пайтда шу масканнинг магистратура босқичи битирувчисиман. 2011 йили Ўзбекистон Республикаси бакалаврлари учун таъсис этилган Беруний номи давлат стипендияси соҳиб бўлдим. Инсон астойдил ҳаракат қилса, ҳар қандай маррани забт этади. Йигит киши ҳар беш ёшимда ҳам дадам машинани ёки бошқа ўйинчоқ олиб келса, албатта, уни нималардан ташкил топганини ўрганиб чиқардим ва қайта тузардим. Ота-онам эса негадир мени қойиммас, аксинча завқ билан кузатар экан. Бу жараён ўшанда мен танлаган соҳанинг илк, жажжи қадам-

лари бўлган бўлса не ажаб. Бу қизиқишларим мени Тошкент давлат техника университетида етаклади. Айни пайтда шу масканнинг магистратура босқичи битирувчисиман. 2011 йили Ўзбекистон Республикаси бакалаврлари учун таъсис этилган Беруний номи давлат стипендияси соҳиб бўлдим. Инсон астойдил ҳаракат қилса, ҳар қандай маррани забт этади. Йигит киши ҳар беш ёшимда ҳам дадам машинани ёки бошқа ўйинчоқ олиб келса, албатта, уни нималардан ташкил топганини ўрганиб чиқардим ва қайта тузардим. Ота-онам эса негадир мени қойиммас, аксинча завқ билан кузатар экан. Бу жараён ўшанда мен танлаган соҳанинг илк, жажжи қадамларда иштирок этиб келяман. Йигирмадан ортиқ илмий мақола ва тезисларим "Гелиотехника", "Applied Solar Energy" халқаро илмий журналларида ҳамда республика миқёсда ўтказилган конференция тўпламларида чоп этилди. Қуёш энергиясидан электр энергиясини ҳосил қилиб, аҳолини сифатли энергия билан таъминлаш, уни сарфлаш миқдорини тежаш нафақат иқтисодий барқарорликни ошириш, балки айрим экологик муаммоларни бартараф Бахтиёр Юнусов раҳбарлигида "Парабола цилиндрик нур тўплагичли қуёш-ёқилғили электростанцияларнинг оптик-энергетик параметрларини танлаш ва асослаш" мав-

Кўргазма

Мангуликка айланган лаҳза

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Бадиий академияси академиги Марат Содиқовнинг "Мангуликдаги лаҳза" номи кўргазмаси очилди.

Тадбирда Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, санъат ва маданиятни изчил равишда топтириш, ёшларни қиёмил инсонлар этиб вояга етказиш масаласи доимий эътиборда эканини таъкидлади. Мазкур кўргазмадан рассомнинг турли йилларда чизилган энг сара асарлари ўрин олган.

кин куз", "Тушлик", "Булоқ бўйида" каби асарлар тасвирий санъат муҳлислари эътиборини тортмоқда. Мусаввир уларда юртимизнинг бетакдор табиати, тарихи ва осори-атиқалари, ўзбек оиласи, бир сўз билан айтганда, миллий маънавиятимизни бор бўй-баста билан ёрқин рангларида ифодалади. Бу эса аҳоли, айниқса, ёшлар қалбида миллий гурурнинг мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Рассом ижодининг ўзига хос таҳлили ҳисобланган ушбу кўргазма бир ой давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Миллий мерос


Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маънавий обидаси эл-юртимизнинг буюк иқтисодлари ва яратувчанлик салоҳиятидан, юксак тараққиёт-ти, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин раънақи йўлидан дарак беради.

Ислом КАРИМОВ

Истиқлол йилларида тарихимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримизни қайта тиклаш, уларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Кўплаб тарихий шаҳарларимизнинг, буюк алломаларимизнинг юбилейлари кенг нишонланди. Жумладан, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларининг 2700, Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарларининг 2500, Тошкент шаҳрининг 2200, Марғилон шаҳрининг эса 2000 йиллик юбилейи нишонланди. Шонли ўтмишга эга ушбу шаҳарлар тарихи мустақиллик йилларида қайта тадқиқ этилди, янада чуқур ўрганилди. Бухоронинг тарихий маркази 1993 йилда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий ва табиий мероси рўйхатига киритилган. Шаҳарнинг тарихий қисмида 103 та меъморий обида мавжуд. Ҳозирги вақтда вилоят бўйича 660 маданий мерос объекти рўйхатга олинган. Эътироф этиш керакки, Бухоро тарихини ўрганиш мақсадида қатор археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда ва кўплаб янги маълумотлар қўлга киритилмоқда. Ана шундай археологик тадқиқотлар натижасида худудда сизот — ери суви юқори бўлганли-

Бухоро — мозий гавҳари

ги учун 14-15 метрдан сўнг маданий қатламларни зах сув босиб қолганлиги аниқланган. Махсус насослар билан зах сувни чиқариб ташлаш, археология фани ютуқларидан самарали фойдаланиш орқали қадимги шаҳар деворлари қолдиқлари топилган. Бу ҳақда археолог А.Мухаммаджонов 1999 йилда чоп этилган рисоласида келтириб ўтган. Дарҳақиқат, 15,5-18,5 метр чуқурликда сақланган қадимги шаҳар деворлари қолдиқлари Бухоро азалдан мудофаа иншоотлари билан ўралганлигидан дарак беради.



Тадқиқот сарҳисоби шуни кўрсатадики, қадимий Бухоро тарихини мукаммал ўрганиш хали тўла яқинига етмаган муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўтган асрнинг 50-80-йилларида кўҳна шаҳар қисмининг етти жойида археологик қазилма ишлари олиб борилиб, шаҳар қадимги дарёвот ичида, ботқоқлик устида тикланганлиги, асрлар давомида юзга келганлиги аниқланди. Истиқлол йилларида қадимшунослик фанида беъмисл ютуқларга эришилди. Айниқса, хоржилик қадимшунос олимлар билан ҳамкорликда, замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказилган қазилма ишлари сезиларли натижалар берди. Самарқанд шаҳри 2750 ёшда, Тошкент шаҳри 2200 ёшда экани аниқланди. Шунингдек, Шаҳрисабз (Кеш), Қарши (Насаф) шаҳарлари ёшининг 2700 йиллиги байрам қилинди. Бу шаҳарларда ке-

йинги йилларда замонавий археологик усул ва воситалар ҳамда қадимшунослик фанининг илмий ютуқлари билан курулган экспедициялар самарали фаолият олиб бориб, улкан ютуқларни қўлга киритдилар. Бухоро шаҳри ва унинг атрофида бугунги кунда тепаликларга айланган қолган беш юздан ортиқ қадимги ва ўрта аср қалъа, қўрғон ва шаҳар харобалари мавжуд. Биргина Пойкент қалъасининг атрофида юзга яқин равоат (қўноқ), яъни карвонсаройларнинг тилсимли тепаликларга айланган қолганлиги уларни замонавий археология фани ютуқларидан фойдаланиб ўрганиш зарурати, маҳаллий археолог мутахассисларга катта эҳтиёж борлигини тақозо этмоқда. Чунки Пойкент, Варахша,

йил 21 июлда "Моддий, маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада тақомиллаштириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди. Мазкур қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда вилоятдаги моддий-маданий мерос объектларини консервациялаш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш масалаларини ҳал этиш, уларни умуминсоният мулки сифатида келажақ авлодга етказиш каби мақсад-вазифаларни соҳага малакали кадрлар зарурлигини тақозо этади. Шу маънода Бухоро давлат университетиде ҳам олий маълумотли археолог мутахассис-кадрлар тайёрлаш — давр талабидир. Тилсимли, қадимий Бухоро тарихининг очилмаган қирраларини исботлашда етарли илмий салоҳиятга, замонавий билимларга эга мутахассислар алоҳида аҳмият касб этади.

Шарқ ва Ғарб ёзма манбаларида Бухоро "Римнинг тенгдоши", "Шарқнинг Парижи" каби номлар билан бежиз аталмаган. Унинг узоқ ва бой тарихи ҳақида бугунги ва келгуси авлодларга ҳаққоний ҳақиқатларни етказиш зиммамаздаги улугвор вазифалардан бўлган. Бухорода археологик ютуқлари асосида, кенг қўламада давом эттирилса, ўрганилмаган тарих ҳақиқатлари кўз очиб, янгидан-янги маълумотлар қўлга киритилиши шубҳасиз. Бу эса нафақат Бухоро, балки мамлакатимиз тарихини ҳам янги маълумотлар билан бойитиб, миллий-маданий мерос, миллий-маънавий қадриятлар, тарихимиз илдизлари чуқурлигини, пойдевори

А. ТўЛАГАНОВ, Бухоро давлат университети ректори, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ўзМТДПдан сайланган депутат, Ш. ҲАЙИТОВ, университет профессори

Электрон муурожаат

# Судга муурожаат қилиш тартиби соддалаштирилди

бунда янги қонун ҳуқуқий асос бўлади

**Мустақилликнинг илк қулайданоқ, суд ҳокимиятини босқичма-босқич ривожлантириш, унинг мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Соҳада электрон ҳужжат алмашинувини жорий этиш орқали фуқаролик суд иш юритувини такомиллаштириш бўйича қўрилатган чора-тадбирлар бунинг яққол мисолидир. Зеро, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш фуқаролар учун одил судловнинг тезкор ва қулайлигини таъминлашга хизмат қилади.**

Бугунги кунда судлар фаолиятида компьютерлаштириш даражасини ва компьютер техникасидан фойдаланишни кенгайтириш, судларда ишларни юритиш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, судья ва тизим ходимларининг бу борадаги билимини юксалтириш билан боғлиқ муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги сай-ҳаракатларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланаётган. Хусусан, жорий йил 9 июнь кунини қўриган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонун билан Фуқаролик процессуал кодексининг 39 моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, қонуннинг Фуқаролик процессуал кодексига оид қисми 2016 йил 1 январдан бошлаб қучга кирди.

Мазкур қонунда фуқароларнинг судларга муурожаат қилишини осонлаштириш, судларда иш юритишни соддалаштириш мақсадига судга ариза ва илтимосномаларни электрон шаклда юбориш тартибини ўрнатилиш назарда тутилган. Шу орқали томонлар бузилган ҳуқуқларини тиклаш талаби билан судга нафақат ёзма, балки ариза ва унга илова этилган ҳужжатлар нусхаларини электрон шаклда юбориш имконига ҳам эга бўлади. Фуқароларнинг судга электрон тарзда муурожаат қилиши, аризада электрон манзил кўрсатилиши, ўз навбатида, аризагининг суд қабури қозғони ва бошқа хабарномаларни, суд ҳал қилув қарорлари ва ажримларнинг нусхаларини электрон шаклда олишга рози эканини ҳам аниқлашди.

Қонунга мувофиқ, электрон муурожаатни фақат биринчи инстанцияга эмас, балки апелляция, кассация ёки назорат инстанцияларига ҳам юбориш мумкин бўлади. Худди шундай шахсий шикоят ёки протест ҳам электрон шаклда жўнатилиши белгиланган. Агар фуқаролик иши биринчи инстанцияда умумий тартибда, яъни қозғош шаклида қўрилган бўлиб, даъвогар ёки жавобгарнинг апелляция ёки кассация тартибда электрон муурожаат қилиши истаги тўғрисида хабардор қилинган бўлиб, телеграмма, факс, телефон ва ҳақ рақамларни аризада кўрсатиши қифоя. Мазкур меъёрларда суд қабури қозғоши тартиби ҳам кенгайтирилди, суднинг электрон манзили кўрсатилиши кераклиги белгиланди. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг телефон ва факс рақамлари, электрон манзили ўзгариши бу ҳақда судни хабардор қилиши зарур.

Киририлган ўзгаришлардан яна бири — ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар зарур ҳолларда телефонграмма, телеграмма ва хабардор қилинганлик факти қайд этилишини таъминлайдиган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда томонларни хабардор қилиш механизми белгиланди. Бундай факт мавжуд бўлганда, шахс хабардор этилган ҳисобланади ва бу ишни қўриб чиқишга тўқтинлик қилмайди.

Ишда иштирок этувчи шахслар алоқа воситалари орқали судга қабурилган ёки суднинг айрим процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилинган ҳолларда, телеграмма, факс, телефон ва ҳақ рақамларни аризада кўрсатиши қифоя. Мазкур меъёрларда суд қабури қозғоши тартиби ҳам кенгайтирилди, суднинг электрон манзили кўрсатилиши кераклиги белгиланди. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг телефон ва факс рақамлари, электрон манзили ўзгариши бу ҳақда судни хабардор қилиши зарур.

Киририлган ўзгаришлардан яна бири — ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар зарур ҳолларда телефонграмма, телеграмма ва хабардор қилинганлик факти қайд этилишини таъминлайдиган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда томонларни хабардор қилиш механизми белгиланди. Бундай факт мавжуд бўлганда, шахс хабардор этилган ҳисобланади ва бу ишни қўриб чиқишга тўқтинлик қилмайди.

Мухтасар айтганда, янги қонун судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суд иш юритувини янада демократлаштириш ва такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, бу борадаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Олимжон ЎСАРОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди**  
**Ахборот хизмати раҳбари**

Тадбир

## Ёнғин хавфсизлиги — доимий эътиборда

**Шу йилнинг ўтган даврида мамлакатимиздаги ёнғинлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўқув муассасаларида 27,3, маъмурий биноларда 17,5, аҳоли яшаш жойларида 7,3 фоизга камайди.**

Бу ҳақда Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахтимизда куз-киш мавсумида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг осойишта ва фаровон турмуш кечиришини таъминлаш, факулда вазиятлар юзага келишига йўл қўймаслик, хусусан, ёнғинларнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада тегишли меъёрий-ҳуқуқий база яратилгани "тилсиз ёв"ни ўз вақтида бартараф этишда муҳим омили бўлмоқда. Хусусан, 2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги қонуни ўт ўчириш хизмати фаоли-

ятининг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Тадбир Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари куз-киш мавсумида аҳолининг газ ва электр иситиш воситаларидан тўғри ва хавфсиз фойдаланишини таъминлаш, пойтахтимиздаги санаят корхоналари, бозорлар, жамоат транспорти, инфратузилма объектлари ва турар жой биноларини ёнғин хавфсизлиги даражасини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида маълумот берди.

— Содиқ бўлаётган ёнғинларнинг асосий қисми куз-киш мавсумига тўғри келмоқда, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Суннатилла Мелибоев. — Чунки об-ҳавонинг совиши муносабати билан кўпчилик хонадонларда газ ва электр иситиш воситалари орқича текширилмай фойдаланилади. Шунингдек, қўлбола ёки сифатсиз иситиш ускуналаридан фойдаланиш, қуруқ ҳазон, газ қурилмалари ёнида тез ёнувчи материалларни сақлаш ва ён-жойларда чекиш қиш мавсумида ёнғинлар сонининг ошишига сабаб

бўлади. Шу боис аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида мунтазам тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бораётишимиз. Бу йўналишда 1,2 мингдан зиёд ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди. Мақсадимиз — юрtdошларимизнинг мол-мулкига талафот, соғлиғига пуғур етказадиган ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида шаҳардаги тўққиз мингдан зиёд объекта ёнғинга қарши меъёрларга риоя этилиши текширилди. Беш мингга яқин профилактика тадбирлари ўтказилиб, ёнғин хавфсизлиги қондаларини бузган 3 мингдан ортқ фуқаролар қонунга биноан жавобгарликка тортилди. Ёнғин чиқиб хавфи бўлган уч мингдан зиёд корхона, бино ва иншоотларнинг фаолияти вақтинча тўхтатилди, 18 мингдан зиёд электр ускуна ва мосламалардан фойдаланиш тақиқланди.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига атрафлича жавоб қайтарилди.

**Аҳмад ЮСУПОВ,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Бугуннинг гапи

**Бугун глобаллашган дунёда ахборот технологиялари, айниқса, Интернет кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Глобал тармоқ шиддат билан ривожланиб, имкониятлар тобора кенгайиб бормоқда. Ҳар кун виртуал маконда бир неча миллиондан зиёд ахборот ресурсларининг пайдо бўлиши унинг ҳажми сония сайин ўсиб бораётганидан далолат.**

Бугун кимдир Интернетни ёмон деса, кимдир аксини айтади. Аслида гап унинг яхши ёки ёмонлигида эмас, балки ундан қандай мақсадда фойдалана билишдадир. Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг ижобий ёки салбий томонини бармоқ билан санаш, уларнинг зарарли ёхуд фойдали жиҳатларини аниқ мезонлар билан чегаралаб бериш қийин. Айниқса, ижтимоий тармоқлар кенг имкониятлар манбаи бўлгани учун ҳам тобора оммалашиб бормоқда.

Маълумотларга қўра, дунё микросида инсонлар кундалик янгиликларнинг ярмини ижтимоий тармоқлар орқали олмақда. Ҳуқуқ-тартибот органларининг учдан икки қисми жонотларни фош қилда ижтимоий тармоқлардан фойдаланишга тир. Интернет ҳар олтинчи ишсизнинг иш топишига ёрдам берапти. Оммавий ахборот воситаларининг 65 фоиз мух-

ри билан маълум гуруҳларга қўшилиш ҳисси устунлик қилади.

Виртуал оламда инсон гўё ўзи истаган маконни яратади, ўзи истаган жараёнга кириб боради. Шунинг учун ҳам ёшларнинг ижтимоий тармоқларга қизиқиши юқори ва бу иштиёқ тобора ортиб бормоқда.

Ушбу жараёнда дунёқараши, сиёсий-ҳуқуқий маданияти тўлиқ шаклланиб улгурмаган ўғил-қизлар турли гаразли мақсадларда тарқатилаётган ахборот оқими домига тушиб қолиши эҳтимоли йўқ эмас.

### Болангизга эътиборсиз бўлманг!

Савол туғилади: нима учун ёшлар ижтимоий тармоқларга бунча муқаддасидан кетган? Тармоқларнинг ёшлар маънавиятига салбий таъсири нима-ларда намоён бўлади?

Бунда, аввало, боланинг мураккаблигида ҳаётга мослашиш жараёни-лари, унинг атроф-муҳитга, оила аъзоларига нисбатан шаклланидиган дастлабки муносабатларига эътибор қаратиш лозим. Маълумки, болалар ўзининг хошиш ва истакларини, қизиқишларини, туйғуларини турли ўйинларда намоён эта бошлайди. Ҳаётдан ўзлаштириётган сўзларни, ҳаракатларни, эшитган эртақларидеги воқеаларни, қаҳрамонларини ўйин чоғида қўллади. Ўйинчоқларни ҳар хил қўринишда жойлаштириб, ўзига хос шакллар ясайди. Бола ўз хаёлида

ички туйғуларини билан қизиқмайди, ҳамдард бўлмайди, реал суҳбат қилишга интильмайди ёки бунини уда-лай олмайди. Шунингдек, уларда маъсулият ҳисси камаяди, тармоқда ёшлар ўзини истаганидек тасаввур этади ва шундай бўлишга ҳаракат қилади ва охири-оқибат ўрганиб қолади. Энг ёмони эса улар реал ҳаётда ҳам ўзини шундай тутишга ҳаракат қилади.

Шундай экан, замонавий ахборот технологиялари, хусусан, Интернетдан фойдаланганда унинг салбий таъсири мавжудлигини ҳар доим ёдда тутмоқ даркор.

### Ягона чора — онгли иммунитет

Ўзбек халқи фарзанд тарбиясини ҳаёти мазмуни деб билади. Болаларимизни мурғаклигидан оқ-қорани танишига, яхшини ёмондан ажратишга ўргатамиз. Шунинг учун ҳам, Интернетнинг фойда ва зарарини энг аввало, ёш катталар яхши билишимиз ва бизларга ўргата олшимиз лозим. Токи бола Интернетда яхшини ёмондан, оқни қорадан ўзи ажрата билсин. Яъни, Интернетдан иллат эмас, ҳикмат изласин.

Маърифат — мактабдан, тарбия — оиладан, дейишади. Агар бола яхши тарбия топса, яхши билим олса, ижтимоий тармоқларга бемақсад ва бемаврид вақт сарфламайди. Бунда мутахассислар ота-оналар учун Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг ёшлар маънавий тарбиясига ижобий ва салбий таъсири билан боғлиқ маълумотлар, қўлланмалар, китоблар яратиши мақсадга мувофиқ. Агар мактабларда ҳам ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ дарслар жорий қилинса, ёшларга Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг ижобий жиҳатлари янада кўпроқ ўргатилган бўлар эди. Болаларга ўқиш билан боғлиқ маълумотлар, электрон китоблар юклаб олиш, дўстлари билан дарсларга оид маълумотларни алмашиш, ўз бизнес фойдаларини тақдим қилиш имкониятларидан фойдаланиш, дунё ва маҳаллий янгиликлардан бохабар бўлиб бориш каби йўналишларда билим бериш лозим. Шу билан бир қаторда, Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг салбий томонларини ҳам тўла тушунтириш жоиз. Айниқса, "Muloqot.uz" каби миллий ижтимоий тармоқларни кўпроқ жорий қилиш, "ZiyoNet" портали янада оммалаштирилса, нур устига аёлу нур бўлар эди.

Яқинда "Шарқ юлдузи" журналида италиялик машҳур адиб Умберто Эконинг набирасига ёнган мактубини ўқиб қолдим. Ушбу ном орқали адиб нафақат ўз набирасига, балки бугунги ёшлар учун фойдали маслаҳатларни беради. Мактубда виртуал оламнинг ёшларда шаклланидиган муносабатлар тизимига зарар етказиши, Интернетдаги турли ахлоқсиз сайтлар, ижтимоий тармоқлардан қўр-қўрона фойдаланиш ҳақиқий ҳаётдан узилиб қолишига сабаб бўлиши таъкидланган: "Исталган маълумотни Интернет орқали излаб топиш мумкин, аммо, хоҳлаган пайтнингда саволингга компьютер орқали жавоб олишга бўлган ишонч сенда ахборотни эсда сақлаш истогини сўндиради, хотирани сусайтиради..."

Яна бир гап: Россиядаги Интернет тараққиёти фонди 15 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказган ижтимоий тадқиқотга қўра, ўсмирлар учун биринчи ахборот манбаи — бу ота-онаси ва Интернет экан. Китоблар, ўқитувчилар, дўстлар, телевидиор, радио ундан кейинги манбалар деб кўрсатилган. Аммо, ишончимиз қомилки, бизда вазият бутунлай бошқача. Халқимиз ҳамма фарзандининг ўзидан ўзиши, ҳар томонлама соғлом бўлиб ҳаётга кириб бориши учун курашиб яшаган. Бугун ҳам шундай. Чунки ўзбек оиласида ўсмирлар учун биринчи ахборот манбаи — ота-она, бобо-буви ва ўқитувчилардир. Қолаверса, Интернетдан қандай фойдаланиш оливайи муҳитга, тарбияга боғлиқ. Зеро, неча минг асрлардан буён яшаб келаётган бундай эзгу аёнана ва қадриятларимиз ёшларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб воёга етишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, болаларимизни, уларнинг фикрини бузидиган турли ахборотлардан асрашимиз учун тарбиялашимиз, Интернетга ўргатишимиз керак. Зеро, глобаллашув хавф-хатарларига қарши турмушда яшайдиган, ўз маънавий куч-қудратини исботлашга қодир авлод тасодифан, ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Бунга йиллар давомида мунтазам ва узлуксиз олиб бориладиган маънавий тарбия билангина эришиш мумкин.

**Нуралӣ ШОДИЕВ,**  
**журналист**

# Ижтимоий тармоқ ва ёшлар тафаккури

ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолатига бир назар

бир ва репортёрлари янгиликларни ижтимоий тармоқлардан топишади. Кўпчилик инсонлар ижтимоий тармоқлардан кўриш ва учрашиш қийин бўлган дўстлари, узокдаги оила аъзолари билан мулоқот қилиш учун фойдаланади, янги дўстлар орттиради.

### Ижтимоий тармоқ таҳиди

Ютуқ ва қулайликлар билан бир қаторда, Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг салбий оқибатларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар ёшлар мафкурасига таҳид солаётган омил ва куруллардан бири бўлиб қолмоқда. Ўтган 3-4 йилда дунёнинг айрим мамлакатларида юз берган оммавий тартибсизликлар марказида айнан ёшлар тургани бежиз эмас. Бунда ёшларнинг қизиқиши ва фаоллиги юқори бўлган Интернет ва ижтимоий тармоқлардан кенг фойдалангани кўпчиликка маълум. Қолаверса, ёшлар орасида ижтимоий тармоқларга муқаддасидан кетиб, психологик муаммолар гирдобига қолаётганлар ҳам йўқ эмас. Мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда ижтимоий тармоқлардаги фаоллик баъзи ёшларнинг ахлоқи, маданиятига ўзининг салбий таъсири кўрсатмоқда. Баъзи ота-оналарнинг фарзандларини компьютер ёки планшетлардан бош кўтармаслиги, ҳатто кечалари ҳам телефон билан андармон бўлишлари ҳақидаги фикрларини кўп эшитамиз.

Айрим психологларнинг эътирофи айтишича, фарб жамиятида ижтимоий тармоқлар ёшларга ўзини ёлғиз ҳис этмаслик, тушқунликка тушмасликка ёрдам беради. Аслида эса ёшлар ҳар доим ўзларига эътибор беришларини истайдилар, аксинча эътиборсизликдан қийналадилар. Бунинг оқибатида улар ё тушқунликка тушиб қолади, ё виртуал дунёга буткул шўнғиб кетади. Натияжада, ташқи дунёдан узилади. Ижтимоий тармоқларга боғланиб қолган ёшлар бошқалар билан мулоқотда қийналади, одамови бўлиб қолади, дўстлашишда адашади, маҳорат билан нутқ тузиш ва уни ифода қилишни билмайди, бировга ҳамдардлик билдириш ҳақида умуман бош қотириб ўтирмайди.

"Касперский лабораторияси" компанияси раҳбари Евгений Касперскийнинг фикрича, ижтимоий тармоқларга боғланиб қолиш оқибатида инсоннинг оломон фикри билан иш кўриш, тўда ортидан эргашиш хусусияти кучаяди. Ўсмирларда ўз дўстла-



ўзга бир оламни ярата боради. Унда ўзининг энг яхши ўйинчоқларидан фойдаланади, энг яхши кўрган одамлари иштирок этади. "Бу дадам, мана бу эса оғим" деб номлаб ҳам қўяди. Ўйин пайтида фикрлайди, ҳиссиётлар берилади, турли ролларга кирилади, завқланади. Мутахассисларнинг фикрича, ўйинчоқ боланинг овуночи бўлиб қолмай, балки унинг жисмоний ва маънавий камолоти, тафаккурининг шаклланишига ҳам катта таъсир кўрсатади.

Машҳур руҳшунос Зигмунд Фрейд болалар психологияси ҳақида шундай ёзади: "Боланинг энг сеvimли ва энг қизғин машғулотли шубҳасиз, ўйиндир. Бола ўйин жараёнида ўз олами яратар, тўғрироғи, ўйинчоқларини ўзи истаганидек, жой-жойига қўяр экан, ўзини ижодкор туттади. Бола ўз ўйинига бир эрмак деб қарайди, десак хато қилган бўлаемиз. Аксинча, у ўйинга ниҳоятда жиддий ёндашиб, унга қалб қўрини бағишлайди. Ўйиннинг салбий таъсири кўрсатмоқда. Баъзи ота-оналарнинг фарзандларини компьютер ёки планшетлардан бош кўтармаслиги, ҳатто кечалари ҳам телефон билан андармон бўлишлари ҳақидаги фикрларини кўп эшитамиз.

Айрим психологларнинг эътирофи айтишича, фарб жамиятида ижтимоий тармоқлар ёшларга ўзини ёлғиз ҳис этмаслик, тушқунликка тушмасликка ёрдам беради. Аслида эса ёшлар ҳар доим ўзларига эътибор беришларини истайдилар, аксинча эътиборсизликдан қийналадилар. Бунинг оқибатида улар ё тушқунликка тушиб қолади, ё виртуал дунёга буткул шўнғиб кетади. Натияжада, ташқи дунёдан узилади. Ижтимоий тармоқларга боғланиб қолган ёшлар бошқалар билан мулоқотда қийналади, одамови бўлиб қолади, дўстлашишда адашади, маҳорат билан нутқ тузиш ва уни ифода қилишни билмайди, бировга ҳамдардлик билдириш ҳақида умуман бош қотириб ўтирмайди.

"Касперский лабораторияси" компанияси раҳбари Евгений Касперскийнинг фикрича, ижтимоий тармоқларга боғланиб қолиш оқибатида инсоннинг оломон фикри билан иш кўриш, тўда ортидан эргашиш хусусияти кучаяди. Ўсмирларда ўз дўстла-

Бизнинг шарҳ

# Чехия парламенти

депутат ва сенаторлар қасамёд қабул қилади

**Чехия Республикаси Марказий Европадаги давлат. Майдони 78,9 минг квадрат километр. Аҳолиси — 10,5 миллион киши. Пойтахти — Прага шаҳри. Давлат тили — чех. Маъмурий жиҳатдан 14 вилоятга бўлинади. Амалдаги конституцияси 1992 йилнинг 16 декабрида қабул қилинган. Давлат бошлиғи — Президент.**

Конун чиқарувчи органи — Депутатлар палатаси ҳамда Сенатдан иборат парламент. Қуйи палатада тўрт йилда сайланадиган 200 депутат фаолият юритади. Сенат эса олти йилда сайланувчи 81 сенатордан таркиб топган. Хар икки йилда сенаторлар таркибининг учдан икки қисми янгиланади. Иккала палатага сайлов депутат ва сенаторлар ваколат муддати тугашига ўттиз кун қолганида ўтказилади. Сенатдан фарқли равишда Депутатлар палатасини Президент мuddатдан аввал тарқатиб юборишга ҳақли. Агар депутатлар палатаси тарқатилган бўлса, сайловлар унинг тарқатилган кундан бошлаб олти кун ичида ўтказилиши лозим. Депутатлар палатасига сайлов умумий, тенг ва тўғридан-тўғри овоз бериш ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Сайловга қадар 18 ёшга тўлган мамлакат фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга. 21 ёшга тўлган фуқаро Депутатлар палатасига сайланиши мумкин. Депутатлар палатаси қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, давлат бюджети бўйича қарор қабул қилиш ва бошқа ваколатларга эга.

40 ёшга тўлган мамлакат фуқароси Сенатга сайланиши мумкин. Сенат қуйи палата тақдим этган қонун лойиҳасини қабул қилиш ёки уни рад этиш, қонун лойиҳасини илгари суриш, халқаро шартномаларни маъқуллаш ёки маъқулламаслик, Конституциявий суд аъзоларининг тайинланганини тасдиқлаш, Президентга давлат мукофоти билан тақдирлаш учун номзодларни тақдим этиш каби ваколатларга эга. Бироқ Сенат давлат бюджети юзасидан қарор қабул қилиш ваколатига эга эмас. 2013 йилга қадар Чехия Президентини Депутатлар палатаси ҳамда Сенат сайлаган. Бунда Президент этиб сайланиш учун номзодлардан икки палатанинг кўпроқ овозини қўлга киритиш талаб этилган. Бироқ етакчи партиялар сайлов тизимига ўзгартиш киритиш таклифи билан чиқди. Натижда, 2013 йилда мамлакат Президентлиги учун илк марта умумхалқ сайлови ўтказилди.

Конунга мувофиқ, бир вақтнинг ўзида икки палатанинг аъзоси бўлиш мумкин эмас. Депутат ва сенаторлар палата мажлисида қасамёд қабул қилганлари

дан сўнг фаолиятга киришадилар. Депутат ва сенаторлар ўзи аъзо бўлган палатанинг розилигисиз жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Депутатлар палатаси ҳамда Сенат палаталар раисларини сайлайди ҳамда вазифасидан озод этади. Палаталар ўз таркибидан кўмита ва комиссиялар тузади. Жамият ҳаётига дахлдор масалаларни ўрганиш учун депутатлар умумий сонининг бешдан бир қисми ташаббуси билан тафтиш комиссияси тузилиши мумкин. Республика Президенти парламент сайлови ўтказилганидан сўнг, ўттиз кундан кечиктирмаган ҳолда парламент сессиясини чақиради. Агар Президент белгиланган вақт ичида сессияни чақирмаса, сайловдан ўттиз кун ўтиб депутатлар ўзлари йиғилиш ўтказишлари керак. Палата мажлислари очик-ошкора тарзда ўтказилади. Қонунда назарда тутилган муайян шароитларда ёпиқ мажлислар бўлиши мумкин. Палаталарнинг қўшма йиғилишларини Депутатлар палатасининг раиси чақиради. Музокаралар қуйи палата регламентига мувофиқ ўтказилади. Ҳукумат аъзолари иккала палатанинг мажлислари, уларнинг кўмита ва комиссиялари йиғилишларида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ҳукумат аъзосининг талабига мувофиқ, ҳар қандай пайтда унга сўз берилиши мумкин.

Қонунда кўра, аввал қонун лойиҳаси Депутатлар палатасига тақдим этилади. Қонун лойиҳасини депутат ёки депутатлар гуруҳи, Сенат, ҳукумат илгари суриши мумкин. Давлат бюджети ва унинг ижросига оид қонун лойиҳаларини эса ҳукумат

тақдим этади. Депутатлар палатаси қабул қилган қонун лойиҳасини Сенатга юборилади. Сенат қонун лойиҳасини ўттиз кун ичида кўриб чиқади. Юқори палата қонун лойиҳасини тасдиқлаши, рад этиши, муайян тузатишлар билан қуйи палатага қайтариши ё кўриб чиқмаслиги мумкин. Борди-ю Сенат унга тақдим этилган қонун лойиҳасини ўттиз кун ичида эътиборсиз қолдирса, қонун қабул қилинган деб ҳисобланади. Агар қонун лойиҳасини Сенат рад этса, у депутатлар палатасида қайта овозга қўйилади. Қуйи палата аъзоларининг ярмидан кўпи мазкур қонун лойиҳасини қайта маъқулласа, қонун қабул қилинган деб ҳисобланади. Рад этилган ёки қайтарилган қонун лойиҳаларига Депутатлар палатасида муҳокама қилиш чоғида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мумкин эмас. Президент парламент тақдим этган қонун лойиҳасини ўн беш кун ичида кўриб чиқади. У қонун лойиҳасини ўз эътирозлари билан парламентга қайтариши мумкин. Бундай вазиятда қайтган қонун лойиҳаси Депутатлар палатасида қайта овозга қўйилади. Депутатлар унга ҳеч қандай тузатиш киритишга ҳақли эмас. Агар депутатларнинг ярмидан кўпи қонун лойиҳасини қайта маъқуллаб овоз берса, қонун қабул қилинган, аксинча бўлса қабул қилинмаган ҳисобланади.

Депутатлар палатаси ҳукуматни шакллантиради. Конституциянинг 68-моддасига мувофиқ, ҳукумат Депутатлар палатаси олдида жавобгардир. Мазкур палата ҳукуматга ишонсизлик билдириш ҳуқуқига эга. Бу ҳақда депутатлар палатасининг камида 50 депутати ёзма мурожаатнома юбориши лозим. Ишонсизлик ҳақидаги қарорни қабул қилиш учун депутатларнинг ярмидан кўпи овоз бериши талаб этилади. Хар бир депутат ҳукумат ёки унинг аъзоларига ўз ваколатига қирадиган масалалар юзасидан сўров киритиш ҳуқуқига эга. Ҳукумат аъзолари сўров киритилган кундан сўнг ўттиз кун ичида унга жавоб қайтариши шарт.

2013 йилда Чехия парламенти мuddатидан аввал ўтказилган сайловда социал-демократларнинг мутлақ устунлигига чек қўйилди. 24 партия иштирок этган мазкур сайловда Чехия социал-демократик партияси 50, АНО 2011 партияси 47, Чехия ва Моравия коммунистик партияси 33, Фаровонлик учун партияси 26, Фуқаролар демократик партияси 16, Демократия тонги партияси ва Христиан-демократик иттифоқ партиялари 14 тадан ўринни қўлга киритишди. Мазкур сайловда АНО 2011 партияси социал-демократларнинг асосий рақобатчисига айланди. Бу, аввало, мазкур партиянинг таъсирчан сайловда ташвиқоти, сайловчиларга берган аниқ ваъдалари билан боғлиқ. Партия тadbиркорлардан олинмаган солиқ миқдори ва электр энергиясига нисбатан тарифларни камайтириш, нафақа арафасида турган фуқаролар ҳамда ногиронларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш ҳамда илм-фан учун ажратилган давлат маблағларини икки бараварга ошириш гоёсини илгари суриб, парламентда иккинчи ўринга чиқиб олди.



## Рангин дунё

**Миср Африкадаги эҳромларга эга ягона мамлакат эмас. Гарчи кўпчилик билмасам-да, ҳозирги Судан, қадимда Нубия деб аталган ҳудудда жами 223 эҳром бўлган. Тўғри, салобат борасида улар Гизадаги эҳромлар билан тенглаша олмайди, бироқ сон жиҳатидан Нубия эҳромларига етадигани йўқ. Мазкур эҳромлар Мисрдагилардан анча кейин қурилган. Уларнинг баъзилари бугунги кунга қадар яхши сақланиб қолган бўлса, кўпи таъмирталаб. Мазкур эҳромларнинг саҳро бағрида, шаҳарлардан анча узоқда жойлашгани, қолаверса, зарурий инфратузилмнинг яхши йўлга қўйилмагани бу ерда Миср эҳромлари сингари туризмни ривожлантириш имконини бермайди.**

Нубиянинг энг машҳур эҳромлари қадимги Мероэ шаҳрида. Хартурм шаҳридан юз километр шимолда, Нил дарёсининг беинчи ва олтинчи ирмоқлари орасидаги ҳудудда жойлашган. Мазкур эҳромларда қирқ қирол ва қиролчининг қабри жойлашган. Қадимда бу ердаги саҳролардан Қизил денгизгача чўзилган ҳудудда Қуш қироллиги бўлган. Мазкур давлатнинг дастлабки пойтахти Керма, иккинчиси Напата, учинчиси Мероэ деб аталган. Тахминан эраимиздан аввалги III асрда Мероэ шаҳри мамлакат пойтахтига айлантирил-




# Мероэ эҳромлари

ган ҳамда милодий III асргача, яъни Қуш қироллиги тарқағунга қадар салтанат маркази мақомини сақлаб қолган. Бу қироллик ўз даврида етарлича ривож топган бўлиб, темир рудаси ҳамда савдо-сотик унинг асосий даромад манбаи бўлган. Мазкур давлат асосан Хитой ва Ҳиндистон билан савдо қилган.

Мероэ эҳромлари кичиклиги ҳамда нисбатан узунчоқ қилиб ишлангани билан фарқланади. Эҳромлар қурилишида Мисрдаги каби сифатга эмас, балки сонга эътибор қаратилган. Эҳромлар қирол ва қиролчаларни дафн этиш мақсадида қурилган бўлиб, бу Мероэ маданиятига Қадимги Миср давлатининг таъсири катта бўлган

нидан далолат беради. Илк эҳромлар Эль-Куруру ҳудудида қурилган. Эҳромлар тарошланган тошлардан терилган бўлиб, ҳар бир томони 8-15, баландлиги эса ўртача 12-20 метр келади. Бу ердаги энг баланд эҳромнинг баландлиги ўттиз метр. Дастлабки эҳромлар эраимиздан аввалги 2600 йилда, кейингилари эса милодий III асрда қурилган. Напата эҳромлари эса Нилнинг фарбий соҳилидаги Нурида — қадимги Нубиянинг шимолида жойлашган. Бу ердаги эҳромларда 21 қирол ва 52 қиролча дафн этилган.

Италиялик тадқиқотчи Жузеппе Ферлини 1834 йилда олтин топши илинжида эҳромларни талон-тарож, бир нечасини вайрон қилади. Жузеппе ниҳоят қиролчи Аманакшетега тегишли олтин тақинчоқларни топиб олади. Европага қайтгач, қимматбаҳо тақинчоқларни мўмай пулга сотмоқчи бўлади. Бироқ коллекционерлар Африкада ўша пайтда бундай қимматбаҳо тақинчоқлар бўлмаганига шубҳа қилиб, буюмларни қалбаки, деб ўйлайди. Лекин шунга қарамай, уларни Берлин ҳамда



Мюнхен музейи харид қилади. Ноёб топилмалар ҳозирги кунга қадар мазкур музейларда сақланиб келмоқда.

Мероэда илк қазилма ишлари 1902 йилда бошланган бўлиб, унга инглиз археолог Ж.Гарстанг раҳбарлик қилган. Бу ерда тадқиқот ва тиклаш ишлари, асосан, ўтган асрнинг 70-йилларида олиб борилди. Қизиги, таъмирлаш ишлари қадимий қурилиш технологиялари асосида бажарилди. Бунинг учун эски чизмалар асосида тайёрланган ричаг механизмлар, қадимда бўлгани каби пальма толасидан тайёрланган арконлардан фойдаланилди.

2011 йилда Мероэ эҳромлари ва унинг яқинидаги археологик ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатида киритилган.

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Ер ўпирилиб тушди

АҚШнинг Миссисипи штатидаги ресторонлардан бирининг автомобиллар тураргоҳида ер ўпирилиши оқибатида 12 автомобиль ер остига куладди.



Бу ҳақда "Dallas Morning News" нашрига таяниб, "RIA Novosti" хабар бермоқда. Ҳодиса Меридиан шаҳрида содир бўлди. Гувохларнинг айтишича, олдин гувилланган товуш эшитилган, сўнг электр ўчган ва йўлнинг бир қисми ўпирилиб тушган. Нашрнинг ёзишича, ҳосил бўлган жарликнинг чуқурлиги 4,5, узунлиги 120, кенглиги 10 метр атрофида. Ўпирилиш сабаблари ҳозирча номаълум. Ҳодиса туфайли ҳеч ким жабрланмаган. Ҳодиса сабаблари ўрганилмоқда.

## Зилзиланинг "асорати"

Покистоннинг Лаҳор шаҳридаги полистилен пакетлар ишлаб чиқарувчи "Rajput Plastic Industry" фабрикаси биноси кулаши оқибатида 44 киши ҳалок бўлди.



Маҳаллий расмийларнинг айтишича, вайроналар 40 фозга тозаланган. Бироқ шунча вақт ўтгач (фожа 4 ноябрь кун содир бўлган), кимнидир

тирик ҳолда топиш эҳтимоли жуда кам эди. Бироқ кунни кеча қутқарувчилар бино вайроналари остида 50 соат қолиб кетган ўғил болани чиқариб олди.

Эслатиб ўтамиз, олдинроқ қурбонлар сони 20 кишидан ошгани маълум қилинган эди. Фабрика биноси кулаган пайтда унда камида 150 ишчи бўлган. Тахминларга қараганда, ҳалокатга 26 октябрь кун содир бўлган зилзила оқибатида бинода юзага келган ёриқлар сабаб бўлган.

## Икки тўғон издан чиқди

Бразилиянинг жануби-шарқидagi Минас-Жерайс штатида икки тўғоннинг ўпирилиши туфайли 17 киши ҳалок бўлди, 50 киши жароҳатланди, 20 киши бедарак йўқолди.

Тўғонларга мазкур ҳудудда темир қазиб чиқариладиган конларни бошқарадиган "Samagra" компанияси жавобгар бўлган. Тўғонлар металлургия саноати чиқиндиларидан иборат сувни сақлаган. Суюқ чиқиндининг тошиб кетиши оқибатида тахминан 600 киши истиқомат қилувчи ўнлаб турар жой бинолари сув остида қолди. Шунингдек, сув тошқинидан мактаб, черков ҳамда шифохоналар ҳам зарар кўрди. Қидирув-қутқарув ишига ўт ўчирувчилар, ҳарбий полиция бўлими, шаҳар кўриқлов хизмати жалб қилинди. Металлургия саноати касабга уюшмаси вакилларининг айтишича, тўкилган чиқиндилар ўта захарли бўлиб, бу келгусида турли экологик муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Хабарларга қараганда, тўғон суви топиши пайтида ер силкиниши қайд этилган.

## Вирус бартараф этилди

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Сьерра-Леонеда Эбола вирусининг тарқалиши билан боғлиқ ҳолатга чек қўйилганини эълон қилди.



"The Independent" газетасининг хабар беришича, бу ҳақда мамлакат пойтахти Фритаун шаҳрида ўтказилган маросимда маълум қилинган. Мазкур мамлакатда 42 кун давомида Эболага чалиниш билан боғлиқ ҳолат қайд этилмагани Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ана шундай хулосага келишига сабаб бўлган. Энди ҳукумат тўқсон кун давомида кузатув ишларини олиб бориши талаб этилади.

Эслатиб ўтамиз, Сьерра-Леонеда Эбола вирусига чалиниш билан боғлиқ илк ҳолат ўтган йилнинг май ойида қайд этилган. Мазкур касаллик туфайли қарийб 4 минг киши ҳаётдан кўз юмган. Улардан 221 нафарини тиббиёт муассасаси ходимлари ташкил этади.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФҒОРОВ тайёрлади

Мандарин — шифосига офарин



Мандариннинг муаттар ҳиди ва ширин-нордон таъми ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Мандарин шунчаки ширин мева эмас, организм учун витаминлар манбаи ҳамдир.

Мандарин таркиби киши организмга фойдали витаминларга бой. Бу мева пўсти клетчатка, фитосид, кислота, эфир мойи ва кальций, магний, темир, фосфор ва калийни ўзида мужассамлаштирган.

Лутеин — мандаринда мавжуд бўлган яна бир муҳим элемент. У кўриш қобилиятини зарарли нурлар таъсиридан ҳимоя қилиш вазифасини бажаради.

Мандаринни аллергия реакцияларига мойиллиги бўлганлар эҳтиёткорлик билан истеъмол этиши керак. Чунки мандарин катта миқдордаги кислотани ўзида сақлайди.


БИЛАСИЗМИ?

- Дунёдаги илк электр лампочкани 1879 йилда америкалик олим Томас Эдисон ихтиро қилган.
- "Шеффилд" — дунёда илк бор ташкил этилган футбол клуби бўлиб, унга 1855 йилда Англияда асос солинган.

ТУРФА ОЛАМ

Сайёҳлар учун автомобиль

"Токио — 2015" автосалонида Япониянинг "Honda" автоконцерни сайёҳларга мўлжалланган "Wander Stand" электр автомобилни намойиш этди.



Мақсуд автомобилда тир-банд шаҳар йўлларида ҳаракатланиб бўлмайди. Унда автомобил ҳаракати таққиланган худудлар, айникса, хиёбонларда сайр этиш қулай.

Электр автомобиль ҳам автоматик, ҳам қўл воситасида бошқарилади. "Wander Stand"нинг бўйи эънидан узун. Автомобиль электр моторга эга.

Энг йирик елканли яхта

Германиянинг Киль шаҳри соҳилида дунёдаги энг йирик "White Pearl" елканли кема ишга туширилди.

Уни уч йил давомида "Germant Naval Yards" кема йиғиши заводи ясади. Яхта 400 миллион долларга баҳоланмоқда.

Ш.ФАФФОРОВ тайёрлади.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони жамоаси етакчи мутахассис Мақсуда Поёновага отаси ШОДИ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ амалий санъати

Ҳар чокида ҳаёт жилоси

Истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, қадимий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, моҳир хунармандлар яратган услуб ва мактаблар доврўғини юксалтириш борасида кўпгина салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

тилаётган қулай шарт-шароитлар туфайли неча минг йиллик тарихга эга каштачилик санъати ўзининг янги босқичига кўтарилди.

Каштачилик — ўзбек амалий безак санъатининг энг ноёб турларидан бири. Қадимда байрам, тўй ва маросимларда уй деворлари кашталар билан безатилган, ранг-баранг кийимлар тикилган.

белгиланган, — дейди музей-кўриқхонанинг санъат бўлими мудириси Сафура Рўзимуродова. — Экспозициямиздаги кашталарнинг деярли барчаси кўлда, сифатли тикилганлиги сабабли, узоқ йиллардан буён сақланиб келинмоқда.



тилган кичик уй-рўзгор буюмлари ҳам ўрин олган. Жумладан, ойна, шона ва чой халтачалари, куёвларга атаб тикиладиган белбоғ (камарбанд), аёллар кийими учун пешкурта, жияк, дастурмош ва бошқа майда ашёлар миллий маданиятимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ўртимизнинг ҳар бир худудида ўзига хос каштачилик мактаблари бор. Худуднинг табиий иклими, аҳолининг урф-одатларига қараб кашта тикиш тури, шакли ва нақшлари ҳам турлича бўлган.

анор гули меҳр рамзи ҳисобланган бўлса, тевағаридаги нақшнинг йўл чизиқлари ҳаёт давомийлигини билдирган.

Музейдан ўрин олган бу каби миллий хунармандчилик намуналари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида илгари сурилган тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга қўмаклашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг миқёсда тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ анъаналарига чуқур меҳр-ҳурмат, эҳтиром уйғотиш ғояларига уйғун ва ҳамоханг.

Самарқанд каштачилигида алоҳида аҳамият касб этувчи сўзаналар ҳар бир келинчанингни сепини нурга тўлдириб турган. Ундаги табиий тасвир бўлган

Асқар ОРЗИҚУЛОВ, журналист, ЎзМТДП фаоли

Музейда бир кун

Бетакрор табиатимиз кўзгуси

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида атроф-муҳит барқарорлигини сақлаш, табиатнинг бебаҳо неъматларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, соф ҳавони етказиб бераётган яшил бойлигимизни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилаётмир.

Мамлакатимизда тўрт минг саккиз юздан ортиқ турда ўсимлик, ўн олти мингдан зиёд ҳайвонот турини учратиш мумкин. Уларнинг муайян қисми камёб бўлиб, фақат бизнинг юртимизда мавжуд.

Аҳоли, айникса, ёшларнинг экологик билими ва маданиятини юксалтиришга алоҳида аҳамият қаратилаётгани мамлакатимизда атроф-муҳит барқарорлиги таъминлашга хизмат қилаётми.

...Ҳар гал Ўзбекистон давлат табиат музейига борганимда, бир олам таассурот билан қайтаман. Сарбаланд, кўёшга юз тутган бу маскан шахримизнинг гўзал гўшаларидан би-

рида жойлашган. Бу ерда уч юз эллик мингдан кўпроқ экспонат мавжуд. Унга ташриф буюрганлар энг қадимги даврдан то бугунги кунгача юртимиз худудида рўй берган табиий жараёнлар, мавжуд табиат ёдгорликлари, "Қизил китоб"га киритилган жонзотлар билан танишиш имконига эга бўлади.

Музейда жамланган захира материаллари мамлакатимизнинг турли худудларидан келтирилган. Музей илмий фондидаги энтомология коллекцияси нафақат Марказий Осиё, балки Хамдўстлик мамлакатлари миқёсида ҳам ноёб саналади. Музейга ташриф бую-

рувчиларда мамлакатимизнинг ноёб табиати тўғрисида аниқ тасаввур, қизиқарли ва бой таассурот қолдириш мақсадида мавжуд биогуруҳлар, ҳайвонлар ва ўсимлик намуналаридан ландшафт усулида яллит экспозиция яратилган. Ҳозирда унинг навбатдаги босқичлари устида иш олиб борилмоқда. Шунингдек, музей илмий ходимлари таникли расомлар билан бирга юртимиз табиатини акс эттирувчи экспозиция ташкил этгани ҳам диққатга сазовор.

"Геология" бўлимида минерал ва фойдали қазилмаларнинг намуна коллекциялари, палеонтологик коллекциялардан эса асосан, балиқ, ҳашорат, ўсимлик баргларининг излари, тошга айланган қолган дарахтларнинг бўлаклари, бошоёқли ва қориноёқли моллюсклар қолдиқлари, мамонтнинг сон суяклари ўрин олган.

Музейдаги экспонатларни кузатиб, инсон ва табиат ўртасидаги узвий боғлиқликни, сирли ва ўзига хос уйғунликни англайсиз. Уларга шунчаки, бефарқ қараб бўлмайди. Тур сифатида буткул йўқолиб кетганлари худди бизни оғохлантираётгандек...

Музей экспозициясида атрофимиздаги олам, табиатшунослик, география, ботаника, зоология, одам анатомияси, умумий биология фан ва мавзулари ҳамда экология бўйича мунтазам кенгайти-



рилган экскурсиялар ва амалий машғулотлар ўтказилади. Уларда инсоннинг табиат билан уйғунлиги, биз унинг бир парчаси эканлигимиз, бизгача етиб келган табиат бойликлари ва неъматларини авайлаб асрашимиз, атроф-муҳит, экологияни сақлаш ва келгуси авлодга соф ва мусаффо тарзда етказиш учун масъул эканлигимизга алоҳида эътибор қаратилади.

— Ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида амалга ошираётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида навқирон авлоднинг она табиатга бўлган меҳрини ошириш масаласи ҳам устувор аҳамият касб этади, — дейди музейнинг "Экология" бўлими раҳбари Феруза Ақромхўжаева. — Бу ерга келган мактаб ўқувчиларининг ёниб турган кўзларига қараб, табиатга нисбатан меҳр ва аниқ тасаввур уйғонаётганини сезиб, кўриб, қувонаман.

Пардабой ТОЖИБОВ, журналист

